

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ**

**“СОЛИҚЛАР ВА СУҒУРТА ИШИ”
КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.2:6П2.15.61

**САБУРОВА МАФТУНА ИБОДУЛЛА ҚИЗИ
ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
МЕХАНИЗМИ**

**60410200– “Солиқлар ва солиққа тортиш”
мутахассислиги бўйича**

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:

проф. Д.М.Муталова

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Солиқлар ва суғурта иши” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ -сонли баённома “ _____ ” _____ 2023 й.

Кафедра мудири: проф. Тухлиев Б.К.  29.05.2023.
ИМЗО сана

Илмий раҳбар: проф. Муталова Д.М.  29.05.2023
ИМЗО сана

Тингловчи: Сабурова М.И.  29.05.2023
ИМЗО сана

Диссертация “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” факультетида 2023 йил
_____ № _____ рақами билан рўйхатга олинди.

кан _____ проф. А.У. Бурханов

АННОТАЦИЯ

Илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиши, шунингдек, телекоммуникациянинг инсон ҳаётига интеграциялашуви иқтисодиётнинг электрон тижорат деб аталадиган янги тармоғининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам электрон тижоратни солиққа тортиш нисбатан анча янги, ҳамон ривожланаётган, муаммоли, муҳим, долзарб соҳа ҳисобланади. Ушбу долзарб мавзу бўйича тадқиқот олиб борилди. Электрон тижорат соҳаси, уни солиққа тортишдаги муаммолар, хориж олимларининг изланишлари, чет эл мамлакатлари тажрибалари, Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи нормалари ўрганиб чиқилди. Шунингдек, ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида хулоса, таклиф ва муаммонинг ечимлари ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: *электрон тижорат, солиққа тортиш, электрон тижорат субъектлари, қонун ҳужжатлари, интернет, хориж тажрибаси, рақамли иқтисодиёт.*

ANNOTATION

The rapid development of Science and technology, as well as the integration of Telecommunications into human life, led to the emergence of a new branch of the economy called e-commerce.

Taxation of e-commerce in the Republic of Uzbekistan is a relatively new, still developing, problematic, important, relevant field. Research was carried out on this actual topic. The field of e-commerce, problems in its taxation, research of foreign scientists, experiments of foreign countries, norms of the Republic of Uzbekistan regulating the legal relations of e-commerce were studied. Conclusions, proposals and solutions to the problem were also developed based on the data studied and analyzed.

Keywords: *e-commerce, taxation, e-commerce entities, legislation, Internet, foreign experience, digital economy.*

МУНДАРИЖА

Аннотация	3
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	7
Келтирилган расмлар рўйхати.....	8
Келтирилган қисқартмалар.....	9
КИРИШ.....	10
Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	10
Тадқиқот мақсади ва вазифалари.....	13
Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	14
Тадқиқот объекти ва предмети.....	15
Тадқиқот илмий янгилиги.....	15
Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	16
I БОБ. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	17
1.1. Электрон тижорат фаолиятининг ривожланиш босқичлари.....	17
1.2. Электрон тижоратни солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти, функциялари ва тамойиллари.....	21
1.3. Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат ва уни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	33
II БОБ. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ.....	39
2.1. Солиқ солиш объекти сифатида электрон тижорат шакллари.....	39

2.2. Электрон тижоратни ҚҚС-офис орқали рўйхатдан ўтказишнинг амалдаги ҳолати.....	45
2.3. Электрон тижорат фаолиятини солиққа тортишда хориж амалиёти.....	50
III БОБ. ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	61
3.1. Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат шаклида фаолият юритувчи чет эл юридик шахслари фаолиятида мавжуд муаммолар.....	61
3.2. Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўллари.....	70
ХУЛОСА	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Сўнгги ўн йилликлар бутун дунё учун туб ўзгаришлар даврига айланмоқда. Ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қилмоқда: иқтисодиёт, фан ва технологиялар, маданият, санъат, сиёсат ва ҳоказолар. Сўнгги асосий ўзгаришлардан бири бу - Интернет тармоғининг кенг тарзда жадал оммалашувидир. Бунинг натижасида, ўзига хос фаолият тури – электрон тижорат фаолияти юзага келди ва ривожланиб келмоқда. Ҳозирда аксарият корхоналар, уларнинг ҳажми ва фаолият шаклидан қатъий назар, кичик фирмалардан тортиб йирик корпорацияларгача интернет тармоғидан кенг фойдаланишмоқда. Ўзларининг товар ва маҳсулотлари, иш-хизматларини интернетда тақдим этишга катта эътибор қаратмоқда. Бу ўз ўрнида кам харажат сарфлаб маҳсулотлар таклифини кенгайтириш, харидор-мижозларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 29 сентябрда имзоланган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида» қонуни 2022 йил 31 декабрдан кучга кирган. Ушбу қонун электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Қонун билан электрон тижорат соҳасининг асосий тушунчаларига қуйидагича таърифлар берилган:

Электрон тижорат - товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) тадбиркорлик фаолияти доирасида ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда электрон савдо майдончаси орқали тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган олди-сотдидир;

Электрон тижорат субъектлари - электрон тижорат иштирокчилари ва (ёки) электрон тижорат операторларидир.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги ЎРҚ-792-сонли Қонуни.